

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВА МАХФУЗА УБАЙДУЛЛАЕВНА

**БОЛАЛАР ОРТОПЕДИК ОПЕРАЦИЯЛАРИДА ОПИОИДЛАР БИЛАН
ЎТКАЗИЛАДИГАН УМУМИЙ АНЕСТЕЗИЯНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

**Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy
(PhD)**

Исмаилова Махфуза Убайдуллаевна

Болалар ортопедик операцияларида опиоидлар билан
ўтказиладиган умумий анестезияни такомиллаштириш..... 3

Исмаилова Махфуза Убайдуллаевна

Совершенствование общей анестезии с применением
опиоидов при ортопедических операциях у детей..... 25

Ismailova Makhfuza Ubaydullaevna

Improving general anesthesia with the use of opioids
in orthopedic surgery in children..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**БОЛАЛАР МИЛЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ИСМАИЛОВА МАХФУЗА УБАЙДУЛЛАЕВНА

**БОЛАЛАР ОРТОПЕДИК ОПЕРАЦИЯЛАРИДА ОПИОИДЛАР БИЛАН
ЎТКАЗИЛАДИГАН УМУМИЙ АНЕСТЕЗИЯНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Tib2185 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmtm.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юсупов Анвар Сабирджанович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Атаханов Шухрат Эргашевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ибрагимов Неъмат Комилжонович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Санкт-Петербург давлат педиатрия тиббиёт университети (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Болалар миллий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/01.02.2022.Tib.147.01 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100207, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Паркент кўчаси 294-уй. Болалар миллий тиббиёт маркази Мажлислар зали. Тел/факс: (+99855) 503-03-66, e-mail: lmikengash@bmtm.uz).

Диссертация билан Болалар миллий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100207, Тошкент ш., Яшнобод тумани, Паркент кўчаси 294-уй. Тел.: (+99855) 503-03-66.

Диссертация автореферати 2023 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2023 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М. Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

М.М. Алиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ш. Эргашев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...дунёда ҳар йили миллионлаб турли ёшдаги беморларга диагностика жараёнлари ва жарроҳлик амалиётларида умумий анестезия ўтказилади. Ҳозирги кунда жарроҳлик амалиётида педиатрик ортопедик беморларни анестезиологик ҳимоя қилиш ўзига хос муаммо бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш учун вазифаларни белгилаб олиш оптимал анестезиологик ёрдам ва унинг натижалари учун зарурдир¹. Умумий анестезиянинг когнитив функцияларга таъсири болаларни жарроҳлик жароҳатларидан ҳимоя қилишнинг энг яхши усулларини танлашни талаб қилади. Оғриқни қолдирадиган турли хил препаратлар орасида наркотик аналгетиклар энг самарали ҳисобланади.

Дунёда опиоидлардан фойдаланиш ва унинг асоратлари ҳамда периператив даврда асоратларни олдини олиш бўйича қатор илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунга қадар ушбу мавзу бўйича тавсиялар ишлаб чиқишда ва улкан мета-таҳлилларни ўтказишда муҳим рол ўйнаган ERAS (жарроҳликдан кейин тезлаштирилган тикланиш) ҳамжамияти кўплаб ривожланган мамлакатларни бирлаштирди.

Операциядан кейинги вақтда қўлланиладиган опиоидларнинг роли оғриқни етарли даражада назорат қилишнинг муҳим компоненти ва периператив асоратларнинг асосий сабабчиси сифатида таъкидланган. Афсуски, периператив даврда болаларда опиоидларни қўллаш бўйича далилларга асосланган ҳисоботлар кам. Опиоидларни қўллаш бўйича тақдим этилган тавсиялар ушбу мавзунини умумий оғриқсизлантиришни бошқаришнинг кичик бир қисми сифатида ёндашади ва камдан-кам ҳолларда педиатрик муаммоларнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил кўриб чиқади.²

Мамлакатимизда халқаро андозалар асосида тиббий хизмат кўрсатиш, жумладан, болаларда туғма касалликларнинг олдини олиш ва даволаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022-2026-йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармонида репродуктив ёшдаги аёлларга, ҳомиладорлар ва болаларга юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, перинатал марказларни зарур тиббий асбоб-ускуналар ва жиҳозлар билан жиҳозлаш ва уларни малакали кадрлар билан таъминлаш вазифалари белгилаб берилган.

Шу муносабат билан тиббий фаолиятдаги ихтисосликларни ташкил этишда моддий-техник база ва тиббий жиҳозларга қўйиладиган минимал

¹World Health Organization (acting as the host organization for the Partnership for Maternal, Newborn & Child Health) 2021 (66)/ ВОЗ

²Cravero JP, Agarwal R, Berde C, Birmingham P, Cote CJ, Galinkin J, Isaac L, Kost-Byerty S, Krodel D, Maxwell L, Voepel – Lewis T, Sethna N, Wilder R. The Society for Pediatric Anesthesia recommendations for the use of opioids in children during the perioperative period // Paediatric Anaesthesia. – 2019. - : 29 (6) : 547-571

талабларни соддалаштириш каби вазифалар белгиланди. Бу вазифаларни амалга оширишда юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятларини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, замонавий технологияларни жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Диссертация Ўзбекистонда фан ва техника тараққиётининг асосий йўналиши – VI. "Тиббиёт ва фармакология" га мувофиқ амалга оширилган.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ортопедик жарроҳлик учун оғриқсизлантириш кўплаб муаммоларни келтириб чиқаради. Болалар кўпинча юрак-қон томир ва нафас олиш функцияларига таъсир қилувчи йўлдош касалликлар билан мурожаат қилишади. Операция хонасида иш жараёни чўзилиши ва қон кетиш кузатилиши мумкин. Америка анестезиологлар жамиятининг энг сўнги кўрсатмалари оғриқ рецепторларига бир нечта аналгетиклар ва турли усулларни қўллашни ўз ичига олган мультимодал аналгезия баённомаларидан фойдаланишни тавсия қилади. Ҳозирги вақтда болаларда кам опиоид технологияси асосида анестезияни амалга оширишнинг патогенетик механизмлари ўрганилмоқда. Оғриқни бошқариш ва опиоидлардан фойдаланиш мавзуси глобал муаммога айланди. Унинг кўлами ҳозирда периператив оғриқсизлантириш баённомаларида ўз аксини топди (Коерке ЕЈ, 2018).

Опиоидлардан ортиқча фойдаланишни чегаралашга ёрдам берадиган стратегиялардан бири бу оғриқни мултимодал даволаш усулларини ишлаб чиқишдир (Kelvin Kim, Douglas Armstrong, 2020).

Кам опиоидли анестезияга бағишланган кўплаб нашрлар, асосан, ушбу анестезиологик қўлланманинг периператив даврини, етарли клиник материалларга асосланган ҳолда камраб олади (Туманян С.В., 2017). Шу билан бирга, ушбу турдаги анестезиянинг марказий ва периферик гемодинамикага, гормонал спектрга, кўплаб клиник материаллар билан боғлиқ иммунологик жиҳатлари таъсирига бағишланган ишлар ҳам мавжуд. Ушбу ишлар асосида биспектрал индекс (БИС) мониторинги, электроэнцефалография (ЭЭГ) параметрларининг ўзгаришига бағишланган тадқиқотлар таъкидланган.

Ушбу муаммо билан шуғулланадиган етарли миқдордаги мутахассислар бир овоздан кам опиоидли анестезиянинг марказий ва периферик асаб тизимига таъсирини чуқур ўрганиш зарурлигини таъкидлашади, бунда периператив даврда дозалаш шакллариининг таъсирига эътибор қаратилган (Овечкин А.М., Сокологорский С.В. 2019).

Ўз навбатида, кам опиоидли анестезиянинг ҳар хил турлари ҳали ҳам кўплаб ватанимиз тадқиқотчиларининг эътиборида бўлиб қолмоқда, улар аллақачон анестезиологик ёндашувларнинг хилма-хил шакллари ва турларини таклиф қилишди (Агзамходжаев Т.С., 1988; Собиров Ж.М., 2021; Рўзиқулов Ў.Ш., 2019). Замонавий анестезиологик ёндашувларни ишлаб чиқиш анестезиологиянинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институти Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошида илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ амалга оширилди. Давлат рўйхатидан ўтказиш рақами 001228.

Тадқиқотнинг мақсади болаларда ортопедик жарроҳликда опиоид фентанилнинг кичик дозаларини комбинирлаб қўллаш орқали анестезия сифатини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

болаларда ортопедик операцияларда фентанил, пропофол ва севофлуран асосидаги умумий анестезиянинг клиник кечиши, бош мия биоэлектрик фаоллигини ва БИС мониторингини ўрганиш;

болаларда ортопедик операцияларда фентанил, пропофол ва севофлуранни қўллаш асосида умумий анестезия шароитида марказий ва периферик гемодинамик кўрсаткичларни ўзгаришини баҳолаш;

опиоид фентанил, пропофол ва севофлуран комбинациясида ўтказилган умумий анестезия пайтида қондаги стресс гормонлари (кортизол, трийодтиронин (Т3) ва тироксин (Т4) фаоллигини ўрганиш;

асосий компонент сифатида опиоид фентанилдан фойдаланган ҳолда болаларда комбинирланган умумий анестезия вариантлари самарадорлигини қиёсий баҳолашни ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2 ёшдан 15 ёшгача ортопедик касалликлари бўлган 102 бола олинган бўлиб, уларга режалаштирилган жарроҳлик аралашувлари пайтида анестезиологик қўлланма ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб интраоператив аналгезияга комплекс ёндашув, седация чуқурлигини периоператив мониторинг қилиш усуллари, бош миянинг биоэлектрик фаоллиги, марказий гемодинамика, гормонал ҳолат (кортизол, трийодтиронин, тироксин) кўрсаткичларини кузатиш ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда барча болаларда клиник, гормонал ва инструментал тадқиқот усуллари маълумотлари таҳлил қилинган. Седация чуқурлиги БИС мониторинги билан аниқланган, биоэлектрик фаоллик электроэнцефалография ва марказий гемодинамика параметрлари эхокардиография усулларида, кортизол, трийодтиронин ва тироксин даражалари иммунофермент усулида ўрганилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ортопедик патологияси бўлган болаларда комбинирланган анестезиянинг клиник кечиши, гемодинамик кўрсаткичлар, эндокрин тизим, бош миянинг биоэлектрик фаоллиги ва седация чуқурлигини периоператив даврда ўрганишга асосланган;

эндокрин ҳолатнинг кўрсаткичларига кўра, ортопедик жарроҳлик аралашувлари пайтида болаларни анестезиологик химоя қилиш даражасини баҳолаш изоҳланган;

болаларда жароҳатли ортопедик операцияларда комбинирланган кам опиоидли анестезиологик қўлланманинг оптималлашган усули ингаляцион

анестетик севофлуранни қўллаш ҳамда жарроҳлик муолажасидан олдин адъювант дексаметазон 0,4% (0,15мг/кг) ни қўшиш орқали ишлаб чиқилган;

анестезиянинг ишлаб чиқилган вариантыни қўллаш аналгетикларга бўлган эҳтиёжни камайтириши, операциядан кейинги кўнгил айнаши ва қусишни, иккиламчи гиперальгезияни олдини олиши, ҳаддан зиёд седацияни камайтириши ва беморларни эрта фаоллашувига олиб келиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

опиоид фентанил ва сўнгги авлод ингаляцион анестетик (севофлуран) дан фойдаланиш ва операциядан олдин дексаметазонни тизимли юбориш анестезиологик қўлланманинг чуқурлиги ва оғирлиги учун ишлаб чиқилган мезонлар шаклландирган асоратларни олдини олади;

опиоид аналгетик фентанил, гипнотик пропофол ёрдамида анестезиянинг ўрганилган вариантларини қўллаш, шунингдек, уларнинг севофлуран билан ўзаро таъсири ва операциядан олдин дексаметазонни тизимли юбориш етарли даражадаги анестезия ва самарали анестезиологик химояга эришишга ёрдам беради. Бундай ҳолда, ортопедик патология ва жарроҳлик аралашувининг ўзини ҳисобга олиш лозим;

умумий анестезиянинг клиник мезонларига асосланиб, опиоид фентанилдан фойдаланган ҳолда самарали интраоператив аналгезия усулларини ишлаб чиқиш, беморларнинг жарроҳлик амалиётидан кейин уйғониш вақтини қисқартириш ва эрта экстубация ($17,6 \pm 8,3$ дак), операциядан кейинги адекват интенсив даво, анестезиологик ёндашувлар тактикасини такомиллаштиради. Болалар анестезиологияси амалиётида операциянинг тури, давомийлиги ва травматиклигига қараб болаларда ортопедик аралашувларда асосий компонент сифатида опиоид фентанилнинг кичик дозалари (3-2,5 мкг/кг) ни қўллаш усули таклиф этилган;

тадқиқот натижалари анестезиологларга опиоид аналгетик фентанилнинг дозалари ҳисобини танлашни, мақсадли қўллаш имкониятини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектив клиник, лаборатория, ультратовуш (ЭхоКГ), ЭЭГ, БИС мониторинги, статистик таҳлил ва етарли миқдордаги клиник материалнинг маълумотлари билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Амалга оширилган тадқиқотлар фан учун жуда муҳимдир. Ўтказилган тадқиқот натижалари болаларда ортопедик операциялар пайтида кам опиоидли анестезия самарадорлигини оширишга ёрдам беради; бу опиоид фентанилнинг ноўя таъсирини сезиларли даражада чеклаши ва болаларда анестезия хавфсизлигини яхшилаши мумкин бўлган жарроҳлик аралашувининг травматиклигини ҳисобга олиш зарурати билан боғлиқ.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти оғриқсизлантириш сифатини яхшилаш, умумий анестезиянинг адекват усулини танлаш, касалхонада қолиш муддатини қисқартириш ва асоратлар хавфини камайтириш имконини берувчи кам опиоидли анестезия турини амалиётга жорий этишдан иборатдир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тошкент педиатрия тиббиёт институти эксперт кенгашининг 2023 йил 9 июндаги 03/41 сон хулосасига кўра:

кўкрак қафаси гирдобсимон деформацияси, сон суягини патологик ёки туғма чиқишида қўлланиладиган жарроҳлик амалиётларида опиоидлар билан ўтказиладиган умумий анестезия усулларида таъсир этувчи ҳавф омилларини амалий ва назарий жихатлари такомиллаштирилиб, ушбу туғма нуқсонларда анестезиологик қўлланмаларда кузатиладиган салбий омиллар камайтирилади, шифо жараёнини тезлаштиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий марказига 02.11.2022 йилдаги 02/190 А сонли маълумотнома бўйича ҳамда ЎзР ССВ нинг Республика болалар ортопедия марказига 03.11.2022 йилдаги 123 А сонли маълумотнома билан операцион анестезиологик бўлим амалиётига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: ортопедик жарроҳлик муолажалари ўтказилган болаларда периоператив даврда комбинирланган анестезиянинг клиник кечувини ўрганиш, гемодинамик кўрсаткичларни эхокардиография усулида текшириш эрта намоён бўладиган ўзгаришларни аниқлаган; эндокрин тизим, гормонал фон кўрсаткичлари текширувларидан фойдаланиш умумий анестезия сифатини яхшилаган; БИС мониторинг текширув усули анестезия чуқурлигини аниқлаш орқали қўлланилаётган умумий анестезиянинг мақбул ва самаралилигини исботланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: 1) периоператив даврда самарали ва безарар текширувлардан ЭхоКГ усулидан фойдаланиш сарф ҳаражатларни 24.5% га камайтирган; умумий анестезиянинг клиник кечувини баҳолаш самарадорликни 87.6% га оширган; Хулоса: гирдобсимон кўкрак қафаси деформацияси, сон суягининг туғма ёки патологик чиқишидаги жарроҳлик муолажаларида опиоидлар билан ўтказиладиган умумий анестезия усулларида юқорида келтирилган текширув усулларидан фойдаланиш 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 68 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 24 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланилиши: “Болалар ортопедик операцияларида опиоидлар билан ўтказиладиган умумий анестезияни такомиллаштириш” мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 21 ноябрдаги 03/2438-сонли хати юборилган.

Болалар ортопедик операцияларида режали тартибда максимал равишда эндокрин статус кўрсаткичларига, соматик фонига зарар етказмасдан анестезиологик қўлланма олиб боришда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш операциядан кейинги даврни силлиқ ўтиши, ётоқ кунини қисқартириб, шифо жараёнини тезлаштиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий марказига 02.11.2022 йилдаги 02/190 А сонли маълумотнома бўйича ҳамда ЎзР ССВ нинг Республика болалар ортопедия

марказига 03.11.2022 йилдаги 123 А сонли маълумотнома билан операцион анестезиологик бўлим амалиётига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: таклиф этилган текширувлар ва комплекс ёндашувдан фойдаланиш болалар ортопедик операцияларида опиоидлар билан ўтказиладиган умумий оғриқсизлантириш жараёнини асоратсиз ўтиши таъминланади ва анестезиологик қўлланма сифати яхшиланади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ортопедик операцияларда эндокрин статус кўрсаткичларини аниқлаш ва умумий анестезия адекватлигини таъминлаш даражаси орқали бошқа қўшимча текширувлардан фойдаланмаслик ҳисобига иқтисод қилинди. Хулоса: болалар ортопедик операцияларида опиоидлар дозасини камайтириш билан ўтказиладиган умумий анестезия усулини адекватлиги эндокрин статус кўрсаткичларига қараб баҳоланиши ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 50 419 сўмга иқтисод қилиш имконини беради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: олинган илмий-амалий маълумотлар «Болалар ортопедик операцияларида опиоидлар билан ўтказиладиган умумий анестезияни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 21 ноябрдаги 03/2438-сонли хати юборилган. Болалар ортопедик операцияларида опиоидларни қўллаш натижасида периоператив даврда кузатиладиган ва нохуш сабабларга олиб келадиган омилларни эрта бартараф этиш операциянинг травматик омилни камайтиради, шифо жараёнини тезлаштиради ва ётоқ кунини қисқартиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий марказига 02.11.2022 йилдаги 02/190 А сонли маълумотнома бўйича ҳамда ЎзР ССВ нинг Республика болалар ортопедия марказига 03.11.2022 йилдаги 123 А сонли маълумотнома билан операцион анестезиологик бўлим амалиётига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: ортопедик операцияларда опиоидларнинг кичик дозаларини қўллаш билан ўтказиладиган умумий оғриқсизлантириш усули орқали асоратларни 35,8% га камайтириб, анестезиологик қўлланма сифати 65,2% га яхшиланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: Кўкрак қафаси гирдобсимон деформацияси, сон суягининг туғма ёки патологик чиқишида беморларни госпитализация қоидаларига амал қилган ҳолда ўтказишда: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 14,5 кундан 11,08 кунгача (3,5 кунга) қисқартириб, шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилади (1 кунга ўртача 50.419 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: кўкрак қафаси гирдобсимон деформацияси, сон суяги туғма ёки патологик чиқиши бўлган беморларда анестезиологик қўлланма тактикасида препаратлар комбинациясини ва уларнинг уйғунлигини тўғри таъминлаш ушбу беморларда периоператив даврда кузатиладиган: иккиламчи гипералгезия 9 (8,8%), опиоид индуцирланган толерантлик 5 (4,9%), операциядан кейинги

кўнгил айниши ва қусиш 13 (12,7%) каби қатор асоратлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чора тадбирлари ишлаб чиқилиб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 50 419 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. «Болалар ортопедик операцияларида опиоидлар билан ўтказиладиган умумий анестезияни такомиллаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2022 йил 21 ноябрдаги 03/2438-сонли хати юборилган. Опиоидлар билан ўтказиладиган умумий анестезиянинг такомиллаштирилган усули самарали интраоператив оғриқсизлантиришга олиб келди, беморларни наркоз уйқусидан қисқа фурсатда уйғонишини таъминлади, нохуш сабабларга олиб келадиган омилларни эрта бартараф этиш операциянинг травматик омилини камайтиради, шифо жараёнини тезлаштиради ва ётоқ кунини қисқартиради. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий амалий марказига 02.11.2022 йилдаги 02/190 А сонли маълумотнома бўйича ҳамда ЎзР ССВ нинг Республика болалар ортопедия марказига 03.11.2022 йилдаги 123 А сонли маълумотнома билан операцион анестезиологик бўлим амалиётига жорий этилди. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги куйидагилардан иборат: болалар ортопедик операцияларида беморларни эрта экстубация қилиш, жаррохлик муолажасидан кейинги даврда ўтказиладиган интенсив терапия усуллари каби таклиф этилган комплекс ёндашувдан фойдаланиш умумий анестезияни ўтказишда ижобий натижалар бериб, даволаш сифатини яхшилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги куйидагилардан иборат: 1) беморни эрта экстубация қилиш, жаррохлик муолажасидан кейинги кўнгил айниши ва қусишни олдини олиш беморларни эрта реабилитацияси учун жуда муҳим омилдир; 2) беморнинг шифохонада даври учун: беморнинг шифохонада қолиш муддатини 14,5 кундан 11,08 кунгача (23,59%) қисқарттирилди, шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон камроқ талаб этилади (1 кунга ўртача 50.419 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: ортопедик операцияларда опиоидларни кичик дозада қўлланилиши периператив даврда юзага келиши мумкин бўлган хавфли омилларни эрта бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалиётда қўлланилиши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 50 419 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Шифохонада қолиш муддатини 3,5 кунга қисқартирилиши ($50.419 \times 14,5 \text{ кун} = 731\,075,5 \text{ сўм}$; $50.419 \times 11 \text{ кун} = 554\,609 \text{ сўм}$)ни ташкил этди, яъни шифохонада бўлиш даврининг 3,5 кунгача қисқариши ҳисобига 1 нафар беморда дори дармонлар сарфи 176466,5 сўмга иқтисод қилинди. Йил давомида 30 та бемор даволанса, иқтисодий самарадорлик 5 293995 сўмни ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий натижалари халқаро иштирокдаги 4 та илмий-амалий анжуманларда маъруза қилиниб, муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола ва 1 та мақола Scopus журналида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 116 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифаларини шакллантиришга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий натижалари очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, апробация ва нашр этилган ишлар, диссертациянинг ҳажми ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болалар ортопедик амалиётида умумий анестезиянинг замонавий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида икки кичик бобдан иборат маълумотлар шарҳи келтирилган: оғрикни ривожланиш механизмлари ва аналгезия жараёни ҳақидаги замонавий тушунчалар; болаларда умумий анестезияда опиоидларнинг кичик дозаларини комбинирлаган ҳолатда қўллаш; опиоидлар билан ўтказиладиган умумий анестезияга бағишланган бўлиб, опиоидларни қўллашдаги самара ва асоратлар ёритилган. Шунингдек, оғрикни ривожланиш механизмлари ҳақида замонавий ғоялар, болалардаги хусусиятлари, опиоидларни болалар амалиётида қўллаш учун кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар, периоператив анестезиянинг долзарблиги, шубҳа туғдирмайдики, ҳал қилинмаган муаммолар кўрсатилган.


Диссертациянинг **“Тадқиқотнинг материал ва усуллари”** номли иккинчи бобида Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида 2014-2022 йиллар давомида 2-15 ёшли 102 та беморда торакопластика ва сончанок бўғими артропластикасини ўтказишдаги текшириш усуллари келтирилган.

Тадқиқот режаси ва белгиланган вазифаларга кўра беморлар анестезия ўтказиш усули бўйича 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ фентанил, пропофол ва севофлуран ёрдамида анестезия 47 (46,1%) ни, фентанил ва пропофол билан анестезия ўтказилган 2-гуруҳ 55 (53,9%) ни ташкил қилди.

Тақдим этилган маълумотларга кўра, тадқиқотдаги болаларнинг умумий сонидан ўғил болалар 49%, қизлар 51%, ўғил болалар 7-9 ёшда, қизлар эса 2 ёшдан 6 ёшгача кўпроқ касал бўлиши эҳтимоли аниқланган.

1-гуруҳдаги болаларнинг ўртача ёши $4,61 \pm 5,0$ ни, 2 гуруҳда - $6,8 \pm 0,47$ ёшни ташкил этди. Болалар жарроҳлик муолажаси учун (1-расм.) асосан кўкрак қафасининг гирдобсимон деформацияси (КҚГД 55,8%), сон суягининг туғма (ССТЧ 42,1%) ёки патологик чиқиши билан (ССПЧ 3,9%)

ётқизилган. Операция давомийлиги ўртача $76,2 \pm 2,87$ дақиқани ва анестезия давомийлиги $94,1 \pm 3,05$ дақиқани ташкил этди.



1-расм. Текширилган болаларни патология турлари бўйича тақсимлаш

Тадқиқот ўтказилган болаларнинг умумий сонидан 79,85% қишлоқ ва 20,15% шаҳарлик болалар бўлиб, қониқарли шароитда ривожланганлар. Қабул қилинган болаларнинг энг кўп сони оиладаги иккинчи фарзанд бўлганлар. Шуни таъкидлаш керакки, барча беморлар режали равишда қабул қилинганлар.

Беморларга атропин сульфат 0,1% (0,01 мг/кг) ва сибазон -0,5% (0,2 мг/кг) дан иборат премедикация буюрилди. Биринчи гуруҳ беморларида индукция пропофол 2 мг/кг дозада, фентанил 2,5 мкг/кг дозада, иккинчи гуруҳ беморларида - пропофол 1% 3 мг/кг дозада (болус), фентанил 0,005% 5 мкг/кг дозада юбориш билан амалга оширилди.

Барча беморларга 0,06 мг/кг дозада миорелаксант аркурон юборилгандан сўнг, трахея интубацияси қилинди ва беморлар ўпка сунъий вентилизациясига ўтказилди. Биринчи гуруҳ болаларга жарроҳлик муолажасининг хирургик босқичида 3,0 ҳажм % севофлуран буғлари қўлланилиб, кейинчалик 1,5 ҳажм % гача камайтирилди, иккинчи гуруҳ болаларга эса пропофол 100-150 мкг/кг/дақ. дозада доимий инфузия шаклида вена ичига киритилди.

Стресс гормонлари (кортизол, трийодтиронин (Т3), тироксин (Т4), периферик (АБс, АБд, АБ ўрт. динам), ЭхоКГ, пульсоксиметрия, ЭЭГ, БИС-мониторингини ўрганиш амалга оширилди.

“Опoid фентанилни қўллаш билан умумий анестезия вариантларини клиник кечишининг хусусиятлари” номли диссертациянинг учинчи бобида анестезия кечишининг клиник хусусиятлари натижалари ЮҚС, АБс, АБд, бош миянинг биоэлектрик фаоллиги ва БИС мониторинги билан келтирилган.

Биринчи асосий гуруҳдаги болаларда ЮҚС кўрсаткичи премедикациядан кейин ва анестезияга кириш босқичида кўрсаткичнинг ўсиши билан тавсифланган. Кейинчалик анестезиянинг асосий босқичларида

у ўртача физиологик параметрлар доирасига яқинлашган. Гемодинамик кўрсаткичлар гуруҳидаги яна бир вакил систолик ва диастолик артериал босимлар ўртасидаги фарқни тавсифловчи ўртача динамик босим (ЎДБ) кўрсаткичи эди. Кўриб чиқилган 1-гуруҳ беморларида танланган умумий анестезия шароитида ушбу кўрсаткичнинг аҳамиятга молик ўзгарувчанлиги қайд этилмаган.

Иккинчи тадқиқот гуруҳидаги болаларда премедикация босқичида ЎДБ кўрсаткичининг ўсиши (дастлабки ҳолатдан 5,54% га) қайд этилди, бу ЮҚТТ реакцияси сифатида кўриб чиқилди. Бундан ташқари, анестезияга кириш босқичидаги кўтарилиш (бошланғич босқичдан 40,44% га) анестезияни чуқурлаштиришга сабаб бўлди.

Бош мианинг биоэлектрик фаоллигини кузатиш учун асосий объектив тест электроэнцефалография усули ҳисобланади. Беморларнинг 1-гуруҳида анестезияга кириш босқичида бета - тўлқинлари амплитудасининг 7,87% га пасайиши, анестезияни қўллаш даврида бета -тўлқинлари амплитудасининг 17,3% га пасайиши кузатилиб, уйғониш даврида эса аксинча, бошланғич кўрсаткичга нисбатан 3,1% га ошди. Шу билан бирга, кириш босқичида бета-фаолликнинг частота характери 4,89% га ва анестезияни қўллаш даврида 2% га камайди. Альфа ва тета тўлқинлари тадқиқотнинг бошқа барча босқичларида ҳам бироз ўзгарган. Ушбу ЭЭГ ўзгаришлари бош мианинг биоэлектрик фаоллигини сақлаб қолинганлигини кўрсатди ва бу анестезия учун опоид фентанилнинг кичик дозаларини қўллаш билан боғлиқ эди.

1-жадвал

1-гуруҳ (n = 15) беморларда анестезия ўтказишда ЭЭГнинг асосий диапазонлари

Тўлқинлар	Тўлқинлар таснифи	Бошланғич босқич	Кириш наркози	Қўллаш даври	Уйғониш даври
Бета	амплитуда (мкВ)	13,1±0,07	12,6±0,05***	11,4±0,05***	14,2±0,06***
	частота (Гц)	14,5±0,03	13,4±0,06***	14,1±0,03***	14,5±0,03
Альфа	амплитуда (мкВ)	45,3±0,08	47,4±0,06***	44,1±0,17***	41,9±0,35***
	частота (Гц)	13,1±0,13	12,3±0,13***	11,4±0,07***	11,1±0,02***
Тета	амплитуда (мкВ)	56,2±0,11	62,4±0,10***	63,8±0,10***	54,2±0,11***
	частота (Гц)	7,3±0,06	5,5±0,09***	5,5±0,09***	5,3±0,06***
Дельта	амплитуда (мкВ)	0	113,7±0,11**	133,0±0,09**	93,8±0,14***
	частота (Гц)	0	3,1±0,07***	3,0±0,06***	3,4±0,05***

Изоҳ: * - бошланғич босқичга нисбатан (***)-P<0.001) фарқлар ишончлилиги

Ушбу беморларда умумий стандарт анестезияни ўтказиш вақтида БИС-индексни назорат қилиш орқали умумий анестезия ва седация чуқурлигини

Ўрганиш ва баҳолаш қўлланиладиган препаратларнинг дозаларини ишлаб чиқишга имкон берди. Биринчи гуруҳ болаларида индукция босқичида ушбу кўрсаткичнинг маълум бир пасайиши аниқланди, БИС индекси 55,75 – 64,21 оралиғида, 2 гуруҳдаги болаларда эса 61,9 – 62,6 оралиғини кўрсатди.

Гормонал фаолиятни ўрганиш ўтказилди (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқот босқичларида стресс - гормонлари- кортизол, Т3 ва Т4 нинг динамикаси

Гормонлар	Гуруҳлар	Бошланғич босқич	Травматик босқич	Операциянинг тугаши
Кортизол	Гуруҳ 1	352,03±4,6	356,59±7,54	349,9±6,2
	Гуруҳ 2	428,1±2,7***	443,7±37,52***	430,6±3,4***
Т3	Гуруҳ 1	1,88±0,18	2,04±0,08	1,89±0,07
	Гуруҳ 2	2,11±0,17	2,24±0,12	2,07±0,09
Т4	Гуруҳ 1	105,88±10,6	103,2±6,0	107,1±8,6
	Гуруҳ 2	119,5±12,38	133,8±5,8***	128,3±8,1

Изоҳ: * - 1-гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан (***)- $P < 0.001$ фарқлар ишончлилиги

Ўрганилаётган асосий гуруҳдаги гормонал фон нисбатан стабил бўлди. Анестезиянинг асосий босқичларида трийодтиронинни (Т₃) 8,51% ошишга мойиллиги кузатилди. Операциянинг энг жароҳатли босқичида, тироксин концентрацияси бир оз 2,54% га камайиш билан характерланди.

Тадқиқотлар давомида болалар ортопедик операцияларида анестезиологик қўлланма усулларининг таъсири баҳоланиб, 2 гуруҳдаги болаларда гормонал фон фаоллиги ўрганилди. Анестезиянинг асосий босқичида кортизол даражасининг бошланғич давр аналогик кўрсаткичларига нисбатан 23,29% ошиши қайд этилди. Операция ва анестезиянинг тугашида кортизол даражаси бошланғич босқичларга нисбатан 19,60% ошиши кузатилди.

2 гуруҳ беморларида Т3 ва Т4 параметрларини ўрганиш 1-гуруҳ беморларининг натижалари билан қиёсий жиҳатдан таққосланганда гормонлар даражасининг нисбатан юқориқлиги аниқлади.

Диссертациянинг “**Болаларда опиоидларни қўллаб умумий анестезия ўтказишда марказий гемодинамика кўрсаткичларининг ўзгариши**” деб номланган тўртинчи бобида эхокардиография усули ёрдамида марказий гемодинамика кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган.

Анестезия вақтида 60 та беморда юрак қон - томир тизими фаолияти баҳоланди. Артериал босим (Коротков усулида) ва марказий гемодинамика кўрсаткичлари (ЭхоКГ) таҳлиллари, чап қоринчанинг якуний –диастолик ва якуний систолик ҳажмлари, R-R оралиғи аниқланди. Чап қоринчанинг чизиқли параметрлари асосида, математик ҳисоб-китоб ёрдамида юракнинг морфометрияси, SatO₂, юрак қисқаришлар сони (ЮҚС) ва ЭхоКГ нинг 3-жадвалда келтирилган кўрсаткичлари аниқланди.

3-жадвал

1-гурух болаларида марказий гемодинамика кўрсаткичлари

Гемодинамика кўрсаткичлари	Тадқиқот босқичлари				
	Бошланғич давр	Премедикация	Индукция	Анестезияни қўллаш	Операциянинг тугаши
ХФ %	78,36±0,96	79,49±1,0	76,44±1,05	78,62±1,17	78,62±0,95
ЗХ мл/зарб	30,27±3,07	31,32±3,07	30,84±3,12	35,25±3,13	30,69±3,06
ЗИ мл//зарб×м ²	34,6±1,85	36,12±2,83	37,08±3,14	43,27±3,28*	36,57±2,76
ЗПҚ	24,25±1,3	22,33±1,59	22,63±1,9	20,14±1,63*	25,73±1,81
АБ ўрт мм.сим.уст	79,07±1,98	78,03±1,82	80,57±1,85	70,03±1,29**	76,17±1,7
ЮҚС зарб 1 дақ	103,07±3,45	116,3±3,65*	118,50±3,84*	94,83±1,92*	93,60±3,06*
ТҚАҚ	1,26±0,04	1,26±0,04	1,21±0,04	1,27±0,04	1,27±0,04
ЮИ л/(дақ×м ²)	3,51±0,20	4,10±0,33	4,35±0,43	4,10±0,35	3,44±0,30

Изоҳ: * - бошланғич давр маълумотларига нисбатан(*- $P < 0.05$, ** - $P < 0.01$, *** - $P < 0.001$) фарқлар сезиларли

Хайдалиш фракцияси (ХФ) кўрсаткичидан олинган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, беморларнинг 1 гуруҳида бу кўрсаткич бошланғич давр кўрсаткичидан 2,45% га пасайиш тенденцияси билан тавсифланган. ЭхоКГ да ХФ (меъёрида 74,85) маълумотларига асосан, шуни қайд этиш мумкинки, 2 чи гуруҳ беморларида бу кўрсаткич бошланғич даврда ўртача статистик кўрсаткичдан 2,56% га пасайган, бу ҳолат операциядан олдинги кўзғалиш ва стресс ҳолати билан изоҳланади (4-жадвал).

4-жадвал

Тадқиқот босқичларида 2 гуруҳ болаларда марказий гемодинамика кўрсаткичлари

Гемодинамика кўрсаткичлари	Тадқиқот босқичлари				
	Бошланғич давр	Премедикация	Индукция	Анестезияни қўллаш	Операциянинг тугаши
ХФ %	72,93±0,35	73±1,15	70,22±1,11*	71,86±1,03	72,9±1,22
ЗХмл/зарб	40,8±2,42	33,58±1,94*	40,59±2,24	41,01±2,18	34,51±2,05*
ЗИ мл//зарб×м ²	45,20±3,01	37,57±2,75*	44,91±2,83	45,8±3,15	38,58±2,87
ЗПҚ	18,89±1,64	21,09±1,60	20,71±1,81	22,93±1,96	20,4±1,45
АБ ўрт мм.сим.уст	79,9±1,12	84,3±0,92**	112,2±2,3***	105,2±2,0***	78,3±1,43
ЮҚС зарб 1 дақ	110,07±1,54	123±1,86***	141,1±1,6***	112,43±1,43	115,4±2,68
ТҚАҚ	1,05±0,03	1,06±0,04	1±0,04	1,03±0,04	1,1±0,04
ЮИ л/(дақ×м ²)	4,99±0,36	4,63±0,35	6,37±0,43*	5,41±0,40	4,5±0,4

Изоҳ: * - бошланғич давр маълумотларига нисбатан(*- $P < 0.05$, ** - $P < 0.01$, *** - $P < 0.001$) фарқлар сезиларли

Бундан ташқари, бу пасайиш анестезиянинг бутун даври давомида юрак-қон томир тизими ва унинг гемодинамик кўрсаткичлари томонидан маълум

клиник ўзгаришларсиз кечди. Жарроҳлик аралашувининг якунланиши ХФ кўрсаткичининг бошланғич қийматларигача пасайиши билан тавсифланди. Шунинг таъкидлаш лозимки, премедикациядан кейин беморларнинг 2-гуруҳида ХФ кўрсаткичи ўртача статистик кўрсаткичдан 2,47% га ва бошланғич кўрсаткичдан 0,09% га биров пасайиши кузатилди. Индукция даврида бу кўрсаткич ўртача статистик кўрсаткичдан 6,18% ва бошланғич кўрсаткичдан 3,8% гача пасайиши қайд этилди. Анестезияни қўллаш даври (жарроҳлик босқичи) ХФ нинг бошланғич даражасидан 2,33% га кўтарилиши билан белгиланди.

